

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСЛАМОВА ДИНАРА АЗАМАТОВНА

**БАДИИЙ АСАР ТИЛИДАГИ ТРАНСПОЗИТИВ СЎЗЛАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

Исламова Динара Азаматовна

Бадий асар тилидаги транспозитив сўзларнинг функционал-семантик хусусиятлари..... 3

Islamova Dinara Azamatovna

Functional-semantical features of transpositive words in the language of art work 23

Исламова Динара Азаматовна

Функционально-семантические свойства транспозитивных слов на языке художественной речи..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 45

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСЛАМОВА ДИНАРА АЗАМАТОВНА

**БАДИЙ АСАР ТИЛИДАГИ ТРАНСПОЗИТИВ СЎЗЛАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1.PhD/Fil684 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Элтазаров Жўлибой Данабаевич филология фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Урибаева Дилбар Базаровна филология фанлари доктори, доцент Тожиёв Олимжон Мўйдинович филология фанлари номзоди, доцент |
| Етақчи ташкилот: | Фаргона давлат университети |

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» Март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (26-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2022 йил «3» Март кuni таркатилди.
(2022 йил «3» Март даги 86 рақамли реестр баённомаси).



М.К.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Д.Б.Урибаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослик фанининг замонавий ривожланиш босқичида бадий асар тилининг оламнинг лисоний манзараси турлари, шу жумладан, оламнинг бадий манзараси билан боғлиқ равишда антропоцентрик парадигма доирасида тадқиқ қилишга кучли қизиқиш кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида когнитив тилшунослик, услубшунослик, трансформациология, лингвомаданиятшунослик сингари бир қатор фанлар кесишувида муаммони илмий-назарий ва лингвопрагматик нуқтаи-назардан ўрганиш вазифасини қўймоқда. Бинобарин, бадий асар тилидаги транспозитив сўзларнинг функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланмоқда.

Жаҳон тилшунослигида бадий матнни яратиш жараёнида ижодкор маҳоратини белгилаш, унинг лисоний воситаларни қўллаш имконияти ва усулларини тадқиқ қилиш юқори даражага кўтарилди. Бу жараён бевосита тилнинг коммуникатив ва эстетик вазифасининг воқеланиш имкониятларини аниқлаш ва белгилаш муаммоси билан боғлиқдир. Бадий матн инсон фикрининг ҳаракатини акс эттиради, тил воситалари ёрдамида фикр динамикаси шаклланади ва уни етказиб бериш амалга ошади. Шу туфайли оламнинг бадий манзараси, унда бадий матннинг тутган ўрни, бадий матнда тилнинг транспозитив бирликларининг қўлланилиш муаммосини атрофлича тадқиқ этиш жаҳон тилшунослиги олдида турган долзарб вазифалардан бири сифатида мавзуни ёритиш заруратини юзага келтиради.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ўзбек тили адабий услубини ва бадий матнни халқимизнинг лисоний-маънавий мероси сифатида ўрганиш бўйича жиддий ютуқларга эришди. Ушбу йўналишда қўлга киритилган натижаларга асосланган ҳолда ўзбек тилидаги оламнинг бадий тасвирини оламнинг тил орқали ифодаланган манзараси сифатида текшириш, у орқали ифодаланган оламнинг бадий манзарасининг асосий белгиларини таърифлаб бериш муҳимдир. Зеро, «Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар»¹. Бинобарин, бадий матнлардаги ОБМнинг лисоний, лингвокогнитив, лингвомаданий хусусиятини атрофлича очиб бериш бадий тилда воқеланадиган транспозитив сўзларни қўллаш орқали бадий услубда юз берадиган ўзгаришларни теран тадқиқ қилиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини

¹Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2019 йил, 22 октябрь.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида», 2020 йил 20 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида Ф.Боас, В.Хумболт, Э.Сепир, А.Виерзбика каби олимлар тилларнинг миллий-маданий хусусияти ҳамда тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири масалалари билан шуғулланганлар¹. Рус тилшунослигида оламнинг лисоний манзараси ва бадий матн муаммоси Н.Арутюнова, В.Постовалова, Б.Серебренников, А.Уфимцева сингари тадқиқотчилар томонидан, бадий матнни когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик масалалари билан боғлаб ўрганиш Н.Болдырев, Ю.Караулов, Е.Кубрякова томонидан амалга оширилган. Бадий матн таҳлили билан боғлиқ масалалар И.Арнольд, М.Бахтин, И.Гальперин, Ю.Лотман, З.Тураевалар томонидан ўрганилган².

Ўзбек тилшунослигида эса тил ва маданият муносабати масалалари билан Н.Маҳмудов, М.Миртожиев, А.Мамажонов, А.Маматов, Д.Ашурова, Г.Боқиева, М.Галиева, Н.Джусупов, С.Зокирова, Ш.Искандарова, С.Қурбонова, Р.Маджидова, Н.Насруллаева, А.Содиқов, Ш.Сафаров, М.Умархўжаев, Ш.Усманова, Г.Ҳошимов, Д.Худойберганова каби олимлар

¹Боас Ф. История и наука в антропологии: ответ / Пер. Ю. С. Терентьева // Антология исследований культуры. – СПб.: Университетская книга, 1997. – Т.1. – С.528-535.; Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию: Пер. с нем. / Общ. ред. Г.В. Рамишвили; Послесл. А.В. Гулыги и В.А. Зевинцева. – М.: ОАО ИГ «Прогресс», 2000. – 400 с.; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М. 1993; Wierzbicka A. Semantics, culture and cognition: Universal human concepts in culture-specific configurations. – New York: Oxford University Press, 1992. – 416 p.

²Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – 2-е изд., испр. – М.: «Языки русской культуры», 1999, –1–XV, –896 с.; Постовалова В.И. Язык и миропонимание. Опыт лингвофилософской интерпретации. – М.: Ленанд, 2017. – 312 с.; Серебренников Б.А. Общее языкознание. – М.: Наука, 1970. – 597 с.; Уфимцева А.А. Лексическое значение. – М.: Наука, 1986. – 239 с.; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. – Тамбов: ТГУ, 2014. – 236 с.; Караулов Ю.Н., Филиппович Ю.Н. Лингвокультурное сознание русской языковой личности: моделирование состояния функционирования. – М.: Азбуковник, 2009. – 334 с.; Кубрякова Е.С. Когнитивные исследования. – М.: Знак, 2012. – 208 с.; Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. Учеб. Пособие. – М.: Высш.шк., 1991. – 140 с.; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. 5-е изд., доп. – Киев: Next, 1994. – 511 с.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – 140 с.; Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Об искусстве. – СПб.: «Искусство – СПб», 1998. – 285 с.; Тураева З.Я. Лингвистика текста. – Москва: Просвещение, 1986. – 127 с.

шуғулланган¹. Аммо, олимлар бадий матн масалаларига жиддий эътибор қаратган бўлсалар-да, айрим масалалар, яъни оламнинг миллий ва унга боғлиқ равишда оламнинг бадий манзараси муаммоси етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал-стилистик ва когнитив-прагматик таҳлили масалалари» мавзусидаги тадқиқот режаси асосида бажарилган (2016-2020 й.).

Тадқиқотнинг мақсади оламнинг миллий-маданий манзараси ва уни бадий матнда репрезентацияловчи транспозицион тил бирликларини функционал-семантик ва когнитив-лингвомаданий жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лисоний ҳодисаларга антропоцентрик парадигма орқали ёндашиш билан оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ) ва оламнинг бадий манзараси (ОБМ) тушунчаларининг моҳиятини ва воқеланиш шакллари асослаб бериш;

«оламнинг бадий манзараси» тушунчасини асослаш; бадий матнни таҳлил қилишнинг функционал-семантик, лингвокогнитив, лингвомаданий аспектларини кўриб чиқиш;

бадий матнда оламнинг бадий тасвирини шакллантирувчи лисоний воситаларни аниқлаш;

бадий матнда оламнинг миллий-маданий манзарасини ифодаловчи транспозитив бирликларни аниқлаш; транспозицион сўз қўллашни услубий ва функционал-грамматик ҳодиса сифатида асослаш;

сўз туркумларининг транспозитив ва услубий хусусиятларининг бадий матнда воқеланиш имкониятларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти бадий матндаги оламнинг миллий-маданий манзарасини яратувчи тил механизмларидир.

Тадқиқотнинг предмети ОЛМ ва ОБМни вужудга келтирувчи функционал-семантик, лексик ва услубий воситаларни лингвокогнитив ва лингвомаданий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тасвирлаш, функционал-семантик, функционал-синтактик, семантик-стилистик, контекстуал таҳлил, концептуал таҳлил, когнитив-метафорик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилига хос оламнинг лисоний манзараси ҳамда оламнинг бадий манзарасининг муҳим лисоний, лингвомаданий ва лингвокогнитив параметрлари аниқланиб, ОЛМ ва ОБМ ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг

¹Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор нашриёти, 2006. – 92 б.; Умарходжаев М.И. Очерки по современной фразеогрфии. – Т.: Фан, 1977. – 103 с.; Усманова Ш.Р. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи: филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2011. – 324 б.; Хошимов Г.М. К теории концептов и их таксономии в когнитивной лингвистике// Систем-структур тилшунослик муаммолари. – Самарқанд, 2010. – Б.68-78; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б.

нарса-белги-ҳодиса бирлиги шаклидаги тафаккурий ҳамда унинг тилдаги тушунча-концепт-тил шаклидаги маъновий жиҳатлари очиб берилган;

оламнинг бадиий манзараси ҳамда бадиий матннинг лингвопоэтик, функционал-семантик, лексик-грамматик ва услубий хусусиятлари ҳамда бадиий матнда оламнинг миллий манзарасини тасвирлашнинг лисоний ва нутқий механизмлари аниқланган;

сўз туркумларининг бадиий матндаги концептуал ахборотнинг ифодалашдаги семантик, услубий ва лексикологик салоҳияти, транспозитив сўзлар орқали ифодаланган концептларнинг оламнинг бадиий манзарасини воқеланишдаги информатив жиҳатдан моддийлашиши, эстетик жиҳатдан актуаллашиши, прагматик жиҳатдан индивидуаллашиши ва ахлоқий-этик меъёрлашиши далилланган;

насрий ва шеърий бадиий матнларда оламнинг миллий-маданий манзарасини ифодаловчи субстантив, адъектив, нумератив, прономинатив, адвербиал, вербал, эссив вазифада келган транспозитив бирликлар аниқланиб, транспозицион сўз қўллашнинг услубий ва функционал-грамматик ҳодиса сифатидаги лисоний қиймати баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бадиий матннинг миллий-маданий хусусиятини ҳамда унда транспозитив сўзларни қўллаш ҳолларини таҳлил қилиш бўйича тўпланган материаллар, тадқиқот натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, лингвокультурология, психоллингвистика, прагматлингвистика, лингвопоэтика, социоллингвистика фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

бадиий матнларда оламнинг миллий-маданий манзарасини ифодаловчи транспозитив бирликлар аниқлаш орқали лингвокультурология, прагматлингвистика, лингвопоэтика каби фанлар учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши ва бу фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

оламнинг бадиий манзарасининг хусусий шакли – бадиий матннинг лингвопоэтик, услубий, функционал-семантик, лексик-грамматик ва услубий хусусиятлари тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши ва янги назарий ва амалий курсларнинг ташкил этилишида манба бўлиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Муаммонинг аниқ қўйилиши, тадқиқотга жалб қилинган ишончли манбалар асосида қўлланган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, ўзбек тилига хос оламнинг лисоний манзараси ҳамда оламнинг бадиий манзарасининг асосий лисоний, тафаккурий, лингвомаданий ва лингвокогнитив параметрлари аниқланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ишда фойдаланилган замонавий

ёндашувлар бадий матннинг лисоний, услубий ва лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш, бадий матннинг лингвокультурологик ва лингвопоэтик таҳлил қилишга доир илмий-назарий қарашларни бойитиш; лингвокогнитология соҳасидаги изланишлар доирасини янада кенгайтириш, ўзбек лингвомаданиятида оламнинг бадий манзарасининг асосий белгиларини очиб бериш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот материаллари ва хулосалари ОТМлардаги таълим жараёнида когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, стилистика ва матн интерпретацияси фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда, диссертацион ишларни ёзиш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадий матнда тил бирликларининг транспозитив қўлланилишини когнитив ва лингвомаданий таҳлил қилиш натижасида қўлга киритилган назарий ва амалий натижалар:

фольклор ва ёзма адабиётдаги ижодкорлар бадий маҳоратини белгилашда уларнинг лисоний салоҳияти параметрларини ҳисобга олиш, тил ифода-тасвир воситалари ва лексик-семантик бойликларини ўзлаштиришга оид хулосалардан ФА-Ф1-ГОО2 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар тадқиқот институтининг 2021 йил 15 июлдаги 17.01/165-сон маълумотномаси). Натижада, адабий анъаналар орқали тажриба ва бадий маҳоратни ошириш йўл-йўриқлари ҳақидаги назарий фикр ва амалий тавсиялардан, бадий асар матнида кўчимлар ва транспозитив қўллашнинг асарнинг бадий-эстетик хусусиятларига таъсирини аниқланганлиги лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва луғатларнинг такомиллаштирилишига хизмат қилган;

транспозитив ифода-тасвир воситалари ҳамда сўз қўллаш ижодкор индивидуал бадий нутқи ҳамда услубининг кўрсаткичи сифатида белгилашга оид хулосаларидан ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар тадқиқот институтининг 2021 йил 12 июлдаги 17.01/160-сон маълумотномаси). Натижада, талабалар уч машҳур ўзбек адиблари асарлари тили таҳлили намуналари доирасида ижодкор индивидуал маҳорати бўйича маълумотларга эга бўлишган;

Туркия Республикаси Фират университети «Ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар» кафедрасида «Çağdaş Özbek Edebiyatı», «Özbek Türkçesi Grameri» фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланмалари тайёрлашда фойдаланилган (Туркия Республикаси Фират университети «Ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар» кафедрасининг маълумотномаси). Натижада кафедрада ўтилаётган ўзбек тили ва адабиёти фанларининг дарс сифати ошган, талабаларнинг дарс материалларини тўлақонли ўзлаштирилишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш йўналишидаги фаолияти ва тадбирларида, жумладан, бадиий ижод кишининг лисоний ва ижодий салоҳияти ҳамда маҳорати, уларни шакллантириш йўл-йўриқлари ҳақидаги тушунча ва тасаввурлардан ижодий семинар ва мунозараларда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бошқарувининг 2021 йил, 27 июлда берган № 01-03/95-6 маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш Ёзувчилар уюшмасида ижодкор ёшлар билан ишлашда қўл келган, ижодкорларнинг бадиий маҳорати ҳамда лисоний салоҳиятини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 168 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Оламнинг бадиий манзараси ва бадиий асар тили»** деб номланиб, бобда аввало дунё тилшунослик ва адабиётшунослик фанида тил, тафаккур, маданият ҳамда уларнинг хусусий шакли сифатида намоён бўлувчи санъат ва адабиёт ўртасидаги ментал ҳамда лингвомаданий муносабатларни оламнинг лисоний манзараси концепцияси нуқтаи назаридан ўрганиш бадиий матнлардаги тил бирликларининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятлари ва уларнинг бадиий матнда воқеланиш механизмларини очиб бериш ҳақида сўз юритилган. Зеро, бадиий матндан жой олган лисоний бирликлар ботинида ётган маъно ва концептларнинг маълум бир оламнинг лисоний манзарасининг турларидан бирида – оламнинг бадиий манзарасида реаллашуви ҳамда у борлиқдаги бирламчи нарса-белги-ҳодиса ҳамда унинг тилдаги тушунча-концепт-тил

бирлиги шаклидаги эквивалентларининг репрезентацияси (“иккиламчи” ўхшашликка асосан билвосита қайта талқин қилиш) билан боғлиқдир.

Бобнинг «*Оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ) ва оламнинг бадий манзараси (ОБМ)*» деб номланган биринчи бўлимида тил бирликларининг бадий матнда репрезентация бўлиши механизми қандай эканлиги хусусидаги саволга ОЛМ ва ОБМ ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш орқали жавоб топилган. Маълумки, оламнинг лисоний манзараси замонавий тилшуносликнинг фундаментал тушунча ва масалаларидан биридир. Ушбу мавзу бўйича йирик тадқиқотлар олиб борган Мартин Хайдеггер таъкидлаганидек, тил ҳақидаги фанлар ҳозирги кунда «оламнинг лисоний манзараси даври»ни бошдан кечирмоқда¹, яъни бу тушунча ва илмий ёндашув усули этнолингвистикадан тортиб, сўз туркумлари назариясигача, шевашунослиқдан лексикологиягача бўлган фанлар мажмуида қулай ва кенг қамровли тадқиқот усули сифатида кенг ўрин эгаллаб бормоқда. Бинобарин, ОЛМ маълум тил жамоасининг маданияти ва менталитетини белгилаб берадиган маънавий дунёси, тили ва унинг амал қилишини шартловчи шарт-шароитлардан иборат бўлиб, у этнос ва тилнинг тарихий тараққиётининг натижаси, шу билан бирга унинг келгуси ўзига хос тараққиётининг сабабидир. Шу билан бирга ОЛМ аниқ тузилишга эга ва лисоний нуқтаи назардан у кўп сатҳлидир, айти пайтда ОЛМ замон (вақт)га нисбатан ўзгарувчандир. Бинобарин, маълум тил жамоасининг ОЛМси – умумаданий меросдир².

Ушбу мавзуда махсус тадқиқотларни амалга оширган Ж.Элтазаровнинг фикрича, ҳар бир конкрет табиий-ижтимоий ва лисоний вазиятда инсон дунёни ўз сезги органлари орқали қабул қилиши ва англаши, шунингдек, унинг илмий-ижодий когнитив фаолияти ҳам олам ҳақида тасаввурлар тизимини шакллантиради³. Теварак оламдан олинган билимларга таянган ҳолда креатив тафаккур ёрдамида янги тасаввурларга асос бўладиган илмий, бадий билимларни шакллантириш мумкин. Яъни, конкрет тил эгаси дунё ҳақидаги тасаввурларни ўз онги «элагидан ўтказгач», уларни умумлаштириш, бадийлаштириш, символлаштириш орқали тасаввурлар тизимини маълум ғоя, фикр, образлар силсиласига тизиб, тил жамоасининг бошқа аъзоларига етказди. Бошқача айтганда, дунёдаги моддий ва номоддий нарсалар инсон онгига абстракциялаш усуллари ёрдамида дунёнинг бадий манзараси ҳақида тасаввур берувчи мотивацион белгилар тизими сифатида экспликация қилинади.

Бобнинг «*Оламнинг бадий манзарасининг асосий параметрлари*» номли иккинчи бўлимида бадий оламда унинг тафаккур ва тилдаги инъикоси бўлмиш ОБМда унинг муҳим таркибий қисми ва бадий тил, образ,

¹ Содержание понятия языковая картина мира в лингвистике - КОАПИЯ статьи - Каталог статей - КОАПИЯ. koapiya.do.am - <https://koapiya.do.am/publ/1-1-0-6> (April, 2020)

² Даниленко. В.П. Языковая картина мира в теории. – Л.: Вайсгерберга -. Филология и человек. 2009. № 1: 7-18; Содержание понятия языковая картина мира в лингвистике - КОАПИЯ статьи - Каталог статей - КОАПИЯ. koapiya.do.am - <https://koapiya.do.am/publ/1-1-0-6> (April, 2020)

³ Элтазаров Ж.Д. Сўз туркуми парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б. 101-104.

маъно, ғоя каби асарнинг бадиияти ва ҳаёт ҳақиқати билан, қаҳрамоннинг кечинма ва ҳаракатлари билан боғлаб турувчи, унинг ўзига хос “маънолар хазинаси”¹ ни ташкил этувчи бадиий концепт ва бадиий асар концептосфераси ҳақида сўз юритилган. Бадиий асарнинг асосий мазмун юкини ташувчи концептлар умуман олганда ОБМдаги асосий маъно-мазмун, эстетик ахборотни сақлаш, тўплаш, узатиш, ёритиб бериш функцияларни ўз устига олган бирликлардир. Шу каби концептлар ҳам лексема/сўз каби ўзларининг мазмун планидаги шакли, ҳажми, чегаралари, маъно ўзгариш йўналишларини ўзгартириб туради². ОБМ ва унинг тузилиши, вазифаларидан келиб чиқиб шаклланади. Бутун прогрессив санъат ва адабиёт каби ОБМнинг асосий функцияси инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилиш, чинакам бадиий асар билан танишиш орқали эмоционал ларзага тушириш билан унинг вужуди каби тафаккурининг тозаланишига хизмат қилиш (катарсис)дир. Шу туфайли ОБМ доирасида алоҳида типдаги бадиий коммуникация амалга оширилади. ОБМнинг волонтиатив функцияси эса уни қабул қилувчи онг ва тафаккурга (адресатга) таъсир ўтказади. ОБМнинг модалъ функцияси эса муаллифнинг реал борлиққа муносабатини ифодалайди. ОБМнинг эстетик функцияси эса санъат ва ҳаётдаги гўзалликни топиб, кўрсатиб беради. Оламнинг бадиий манзарасининг эмоционал-баҳолаш функцияси эса ўқувчи (тингловчи, томошабин)нинг ҳис-туйғу ва баҳосини ифодалайди. Этик функция эса бадиий асарда жамиятга хос бўлган одоб-ахлоқ ва маънавият савияни ифодалайди. ОБМнинг аккумулятив хусусияти эстетик ахборотни йиғиш ва сақлаш хусусиятни ифодалайди. Трансмиссион функция эса бадиий асарда тўпланган эстетик, этик, когнитив, эмоционал-баҳолаш информацияни ўқувчига узатиш демакдир. Юқорида айтиб ўтилган хусусиятлари билан ОБМ бошқа турдаги дунё манзараларидан фарқланади³. (Бу ҳолатни кейинги бетдаги 1-чизмадаги каби ифодалаш мумкин).

Бобнинг «*Лисоний репрезентация – оламнинг бадиий манзарасининг асосий механизми сифатида*» учинчи бўлимида «репрезентация» кўриниб-билиниб турган феномен ва у яширин ва билинмаган нарсаларнинг ўрнини босиши хусусида маълумотлар берилади. Яъни, репрезентация бу – идеал ва моддий материя, субъект ва объектлар, сўзлар ва нарсалар ўртасидаги чегарада мавжуд бўлган, уларни ажратиб турадиган ва ўзаро бирлаштирадиган ноаниқ, иккиланган ва парадоксал ҳодисадир. Шу сабабли

¹Қаранг: Аскольдов С.А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. – М., 1997. – С. 260-267.; Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Изв. РАН – СЛЯ. – 1993, №1. - С. 3-9.

²Миллер Л. В. Художественная картина мира и мир художественных текстов. - СПб: Филологический факультет СПбГУ, 2003. -156 с.

³Қаранг: Тентимишова А.К. Концепт и концептосфера в исследованиях ученых-лингвистов // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2016. – Т. 17. –С.226-230. – URL: <http://e-koncept.ru/2016/46223.htm>. (декабрь, 2020); Скурту Н. П. Искусство и картина мира. Кишинев: Штиинца, 1990. с. 86; Мейлах Б. С. Философия искусства и художественная картина мира // Вопросы философии. 1983. №7. С. 116–125; Чернышова Т.А. Художественная картина мира, экологическая ниша и научная фантастика // Художественное творчество. Вопросы комплексного изучения. – Л.: Наука, 1986. С. 55-74. Аскольдов С. А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. – М.: Academia, 1997. -С. 267-279.

у бадий асар муаллифи ва қаҳрамонинг тафаккури ва хатти-ҳаракатлари тасвирининг «моддийлашиши» деб қабул қилиш мумкин. Шу сабабли репрезентация асарда лисоний бирликлар орқали моддийлашадиган хаёл, фантазия, туш, символ ва белги сифатида тез-тез қаршимизга чиқади. Булар ҳаётий ва маданий анъана ва тажрибага асосланадиган муаллифнинг чегара билмас хаёлотлари орқали қаҳрамонлар, воқеалар, ҳодисалар, психологик драматизмлар шаклида асарда ўз аксини топади. Бадий адабиётда лисоний бирлик ва воситалар орқали ҳаёт манзараларининг репрезентация қилиниши натижасида у худди «кўзгу эффе́кти»ни беради, унда ҳаққоний ва ҳаёлий нарсалар ўртасидаги чегара йўқолади. Айни пайтда бу икки майдон ўртасидаги бир-бирига қарамлиқнинг йўқлиги ҳам тасдиғини топган¹.



1-чизма. Олам манзаралари турлари ва унда ОБМнинг ўрни

Бадий адабиёт тили адабий тилнинг ўзига хос кўринишига ва хусусиятларига эга бўлган шакллардан биридир. Бадий адабиёт тили ҳам тил тараққиётининг умумий қонуниятларига бўйсунди. Бошқача қилиб айтганда, адабий тил каби омма учун алоқа воситаси бўлишдек хусусиятга эгадир. Бадий адабиёт тилининг ўзига хослиги ва мураккаб йўналиши шундаки, у тилнинг адабий бўлмаган хилма-хил кўринишларини, қатламларини ҳам кенг равишда ўзига сингдириб олиб, умумхалққа намоиш этади. Шунингдек, ҳар бир бадий адабиётда маълум бир адабий тилнинг турли-туман услублари кенг қўлланиши мумкин. Бадий асар тили ўзининг бадий эстетик сифати билан адабий тил ва жонли сўзлашув тилининг барча кўринишларини қамраб олади.

Диссертациянинг «**Бадий нутқ ва бадий матннинг трансформацион имкониятлари**» деб номланган иккинчи бобида бадий

¹Пискунова С. И. Репрезентация как тема и эстетический принцип творчества М. Де Сервантеса // Новый филологический вестник. -2014. - №2 (29). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/reprezentatsiya-kak-tema-i-esteticheskiy-printsip-tvorchestva-m-de-servantesa> (дата обращения: 30.05.2020).

тилни оригинал ёндашувлар билан ўрганган машхур филолог-олимлар хусусида сўз юритилган. Жумладан, Р.Якобсон адабиётнинг поэтик функцияси китобхон ёки тингловчиларни унинг лингвистик функцияларига қараганда кўпроқ жалб этиши «...матнда лисоний бирликлар ўртасидаги ўхшашликнинг тасаввур даражаси билан инсон ҳис-туйғуларининг структур жиҳатдан яқинлигига мутаносиблигини ифодалаш учун қўлланилиши мумкин¹лиги баён қилинган. Дарҳақиқат, бадий нутқнинг биринчи вазифаси эстетикликдир. Сўз ва бошқа тил бирликлари адабиётнинг марказий фигураси – образни яратишга хизмат қилади. Нутқ ҳам бадииятда, ҳам кундалик сўзлашувда образлидир. Зотан тил бирлигининг маъно ифодалаш хусусиятларидан бири – умумият ва образлиқдир. Бадий тилдаги сўз бошқа услублардагидан тубдан фарқ қилади. Аслида нутқ маълум бир тасаввур беришгача қадар маъно-мазмунга эга бўлади. Ижодкор тайёр образлардан фойдаланади, чунки ҳар бир сўзда образ аввалдан мавжуд бўлади.

Иккинчи бобнинг «*Бадий асар тили – ўзига хос коммуникатив – эстетик ҳодиса / жараён сифатида*» деб номланган биринчи бўлимида бадий нутқдаги лисоний бирликларнинг маъно жиҳоланиши лисоний бирликнинг нутқдаги актуализацияси билан боғлиқ эканлиги ҳамда сўз ва бошқа тил бирликлари замиридаги маъноларнинг бадий матндаги актуализацияси (долзарбласти) бадий нутқнинг энг муҳим унсурларидан бири эканлигини қайд этиш билан бошланади. Бинобарин, дунё адабиёти тарихига муҳрланган ижодкорлар ўзларининг борлиқ ва ҳаёт ҳақида ажойиб концептуал бадий билимлар берувчи индивидуал тили ва баён услуби билан китобхонлар оммасининг олқишини олишган. Бу ўринда улар яратган асарнинг қайси жанр ёки қандай шаклда яратилгани муҳим эмас, асосий аҳамиятли нарса ижодкорнинг яратган асарининг бетакрорлиги, бу хусусият албатта, унинг ўзига хос рамз ва ифода воситалари билан йўғрилган индивидуал тил ёрдамида қўлга киритилган. Ҳар бир китобхон худди чет тилини ўрганган каби у ёки бу машхур ижодкорнинг индивидуал тилини ўзлаштиради², шунда унинг онгига кичик деталлардан катта умумлашмалар чиқарадиган, сўзни роса тежаб ишлатадиган Абдулла Қаҳҳорнинг синчков услуби, Ойбекнинг сержило ва самимий баёни, Чингиз Айтматовнинг файласуфона, Саид Аҳмаднинг киноя ва пичингга тўла, Неъмат Аминовнинг юмор ва кулги тўла услуби ва ана шу хусусиятларни бўрттириб, олд планга чиқарган бадий тили муҳрланади.

Бадий нутқ унсурунинг коммуникатив дискурсдаги семантик ўзгаришлари ҳам диққатга сазовордир. «Дискурс – бу матндан ташқари, экстралингвистик омилларни (олам ҳақидаги тушунчалар, адресатнинг қарашлари, муносабатларини) ўз ичига олган мураккаб коммуникатив

¹Jakobson, Roman. Closing Statement: Linguistics and Poetics, in Thomas A. Sebeok (ed.), *Style in Language*. Cambridge, Mass.: MIT. 1960, P. 350-377. Яна қаранг: Katz, Steven T. (1992) «Mystical Speech and Mystical Meaning» in Steven T. Katz (ed.), *Mysticism and Language*. New York: Oxford UP. 3-41.

²Жуковский В.И., Тарасова М.В. Коммуникативные основы художественной культуры: Монография/ Сибирский федерал. ун-т. – Красноярск, 2010. – 179 с. >http://arteducation.sfu-kras.ru/files/documents/kommunikativnye_osnovy_hudozhestvennoy_kultury.pdf (декабрь, 2020).

ходисадир»¹, яъни дискурсада матндаги тегишли лисоний унсурлар матндан ташқари ва матности омиллар таъсирида жиддий семантик кенгайишни бошдан кечиради ҳамда гап, мураккаб синтактик бирлик ва матн даражасидаги аналогларини вужудга келтиради², яъни «дискурснинг яратилиш ва қабул қилиниши бир хилда маданиятнинг маълум замон-макон майдонида, аниқ коммуникатив муҳитда кечади. Дискурсада ахборот узатиш мақсади мос келадиган мазмун яратилади. Бу мазмун доирасида коммуникантлар муносабатини, уларнинг ижтимоий мавқеини, жамиятда ҳаракатда бўлган ахлоқий-этик нормаларни акс эттирувчи ижтимоий-маданий ахборот жамланади»³. Дискурсада лисоний шаклига кўра анча кенг мазмунли имагосемантик ифодалар шаклланади. Имагосемантик ифодалар бадий асарнинг сюжети ва давомида кўп марта такрорланадиган бадий деталь бўлиб, у образнинг ёрқин чиқишини дискурсив йўл билан ифодалашга кўмаклашади⁴. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидан олинган ушбу жумла ва ундаги имагосемантик ифоданинг дискурсив қўлланилишини кўриб чиқайлик:

Аёллардан маслаҳат, айниқса, ўз хотинидан бир таклиф эшитмоқ учун Раззоқ сўфининг қайта бошдан бунёдга келиши керак бўларди... (Чўлпон. Кеча ва кундуз). «... қайта бошдан бунёдга келиши керак бўлар эди», деган муаллиф нутқида хос имагосемантик ифода Раззоқ сўфининг жоҳиллиги, туғилган кунидан бери кулмагани, «*кўрғазмага қўйилатурган антиқа махлуқлардан*» эканлиги, оиласидаги қизи ва хотини билан ёзилиб гаплашмагани («*Бу тил доим худонинг зикри билан қалдирайди*»), хотинини эътикод-имонига зарар етказадиган фитна сифатида билишини (зотан, Қурвонбибининг сўфи тарафидан қўйилган лақаби «*Фитна*»), кўр-кўрона эътиқоди ва ихлоси туфайли оиласини ва ўзини ҳалокатга олиб келганини... буларнинг ҳаммасига ишора қиладиган жумладир. Бинобарин, бадий асар тили – ижодкор ўз асарида ҳаёт манзараларини, бадий характер, бадий образларни акс эттирувчи асосий восита, бадий адабиётда ғоявий-эстетик мазмунни ифодалашнинг ифода-таъсир воситалари ва усулларининг тўпламидир.

Иккинчи бобнинг «*Ижодкорнинг тил билиши ва ижодий компетенцияси фактори*» деб номланувчи иккинчи бўлимида ҳар бир адабиётнинг тараққиёти ушбу адабиёт яратилган тилнинг ривожини, унинг норма ва қоидаларининг шаклланиши, лексик, грамматик, семантик ва ҳоказо салоҳиятининг воқеланиши, хуллас, бу тилда дунё стандартларида бадий асарлар яратилиши билан чамбарчас боғлиқлиги таҳлил этилади. Чингиз Айтматов жаҳоний шуҳрати унинг дастлаб қирғиз, кейинчалик рус тилида

¹Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. -М.: Наука, 1987. -264 с.

²Аллаёров Т. Р. Ўзбек тилидаги буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан...фалсафа д-ри (PhD) дисс. – Гулистон, 2020. – Б. 13.

³Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 252.

⁴Черницкая Л.А. Сопоставительный анализ функциональности выразительных средств в системных структурах коммуникативного и художественного дискурсов // Universum: филология и искусствоведение: электрон. научн. журн. 2019. № 2 (59). URL: <https://7universum.com/ru/philology/archive/item/6918> (декабрь, 2020).

ажойиб асарлар яратгани, Орхан Памук турк тилида замонавий дунё классиклари асарлари билан беллашадиган постмодерн романлар ёзгани туфайли адабиёт шоҳсупасига кўтарилганларида ўз она тилларининг салоҳиятини ҳам дунё меҳварига намоён қилганлари маълум.

Диссертацияда «Кеча ва кундуз» каби ўз даврининг (20-асрнинг боши) юксак бадииятга эга романини яратган буюк миллатпарвар ижодкор Абдулхамид Чўлпоннинг ҳамда 20-аср охирида даврининг энг гўзал ва ҳаққоний роман ҳамда қиссаларини жонли халқ тилига яқин бир индивидуал услуб билан яратган Тоғай Муроднинг қай даражадаги тил эгаси – лисоний шахсият эканлиги масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Бу икки ижодкор ҳамда таниқли шоир Усмон Азимнинг лисоний ва бадиий ижодкорлик потенциали юқоридаги параметрларга кўра баҳоланган. Бадиий тилнинг ифода-тасвир воситаларининг юқорида айтиб ўтилган икки гуруҳидан қайсилари транспозиция (кўчиш) билан алоқадорлиги учун тилнинг амал қилишида ҳар доим амалда бўладиган трансформация жараёнларига ва унинг бадиий нутқда воқеланадиган шакллари ҳақида тўхталинган.

Иккинчи бобнинг «*Тилнинг тасвирий-ифода воситалари ва транспозиция*» номли учинчи бўлимида бадиий матндаги кўчим билан боғлиқ жараёнлар ва транспозиция хусусида сўз юритилган. Бинобарин, объектив борлиқдаги доимий юз бериб турадиган ўзгаришлар қаторида трансформация (кўчиш) ҳам борки, у ҳам материянинг универсал воқеланиш шакллари билан биридир. Табиийки, трансформация воқеликни идеал тизим сифатида ўзида инъикос эттирувчи бадиий асар матни ва тилидан ҳам ўрин олган. Зеро, моддий тизимда мавжуд бўлган асосий қонуниятлар идеал тизимлардан ҳам жой олади, қиёсий қонун ва категорияларининг универсал характери ҳам шундадир. Тил трансформациологияси (ёки кўчиш назарияси), В.Кодуховнинг таъкидлашича, лингвистика таркибида дастлаб тилнинг материал тарафи бўлган товушлар, ўзаклар ва қўшимчаларни ўрганиш жараёнида шаклланди. Аввалбошда тилнинг ташқи (товуш-акустик) тарафидаги ўзгаришларнигина кўчиш деб тушуниш тилнинг маъно тарафини мантиқий жиҳатдан универсал, шаклий тарафини эса тил тадрижи давомида бобо тилдан ўсиб чиқувчи миллий, ўзига хос нарса деб қабул қилишга асосланган эди¹. Тез орада кўчиш тилнинг нафақат шаклий тарафига, балки мазмун тарафига ҳамда унинг турли сатҳларига алоқадор ҳодиса эканлиги маълум бўлди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирга қадар бизнинг тилшунослигимизда кўчиш деганда фақат сўз туркумлари даражасидаги кўчишлар тушунилади (масалан, отлашиш, сифатлашиш, олмошлашиш ва ҳ.к.); аслида тил трансформациологияси сўз туркумларининг кўчиши тушунчасидан кенг ва сўз туркумлариаро кўчиш тил трансформациологиясининг хусусий ҳолларидан бири, холос. Қатор олимларнинг кўрсатиб ўтишича, трансформациянинг хусусий ҳоллари тилнинг деярли барча сатҳларида намоён бўлади².

¹Кодухов В.И. Семантическая переходность как лингвистическое понятие // Семантика переходности. – Л.: ЛГПИ, 1977. - С.5.

²Кодухов В.И. Кўрсатилган асар. -С.5.

Тил сатҳларидаги кўчиш аввало вақтинчалик, контекстуал-ситуатив тил бирликларининг вужудга келиши, тўғрироғи, маълум бир позицияда тил бирлигининг контекстуал шакл ва мазмун ўзгариши билан бошланади. Хусусан, бадий матндаги кўчим билан боғлиқ жараёнлар сўз туркумларининг бадий матнда бир-бирига кўчиши билан бевосита алоқаси бўлмаган ҳолатлардир (билвосита эса, юқорида таъкидланганидек, алоқалар мавжуд, бу тил сатҳлариаро муносабатларнинг доимийлиги қонуниятидан келиб чиқади). Масала бу кўчимларнинг бадий асар тили ва бадий нутқнинг турли кўринишларида (муаллиф нутқи, персонаж нутқи, монолог, диалог, полилог...) қўлланилиши туфайли юзага чиқадиган маъновий-структурал ва функционал-семантик ўзгаришларини қайд этиш ҳамда баҳолашдадир. Бинобарин, ўзбек тилшунослиги фани олдида тилимиз трансформациологиясининг назарий ва амалий масалаларини ишлаб чиқиш жараёнида бу ҳолатнинг бадий нутқда рўй бериш механизми билан алоқадор томонларга ҳам жиддий эътибор бериш вазифаси турибди.

Ўзбек бадий адабиёти тили намуналарини ўрганиш жараёнида бадий тасвир воситалари қамрови ниҳоятда кенг ва бадий образ яратишдаги, эмоционал-экспрессив нозикликларни бера олишдаги асосий воситалардан эканлигининг гувоҳи бўламиз¹. Ана шундай воситалардан бири, шубҳасиз кўчимлардир ва уларнинг таркибидаги мазмун-маъно планидаги кўчимлар – метафора ва метонимия бевосита биз баҳсини юритаётган мавзуга алоқадор эканлиги юқорида айтиб ўтилди. Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидан ушбу парча таҳлилини келтирамиз:

Ҳар йил бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни қитиқлай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон югурди...Толларнинг кўм-кўк сочпоуклари қизларнинг майда ўрилган кокилларидай селкиллаб тушмоққа бошлади. Муз тагида лойқаланиб оққан сувларнинг ғамли юзлари кулди (Чўлпон, Кеча ва кундуз).

Бу парчада қўлланилган метафора эмоционал-экспрессивликни, эстетик гўзалликни, ифодавийликни ҳосил қилмоқда. Бу ҳолат жонлантириш, инсонга хос хусусиятларни табиат ҳодисаларига кўчириш орқали ҳосил қилинган. Ёзувчи шу тасвирнинг ўзида бир неча метафорадан фойдаланган *кўнгилларни қитиқлай бошлади, илиқ қон югурди, толларнинг кўм-кўк сочпоуклари, ғамли юзлари кулди* каби метфоралар ифода-тасвирни китобхон кўз олдига келтириш билан бирга, уни қалб призмасидан ўтказишга ундайди. Ёзувчи эса оддий баёнчи эмас, ҳолатни тасвирловчи моҳир шоирга айланади.

Тадқиқотнинг «Бадий матндаги транспозитив сўз ва бирикмаларнинг лисоний-эстетик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобнинг биринчи бўлимида сўз туркумларининг бадий матндаги транспозитив қўлланишининг ўзига хос тарафлари таҳлил этилади. Маълумки, сўз туркумининг кўчиши – транспозиция деганда, маълум бир туркумга мансуб сўзнинг ўзига хос бўлган аташ, вазифа семасини

¹Каримов С.А. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1994. – Б.5.

кучсизлантириб, бошқа сўз туркумига хос семантик ва грамматик белгига эга бўлиши тушунилади¹.

Транспозиция юз берганда ҳар қандай тил бирлигига хос бўлган уч хусусият: шакл, мазмун ва функцияларидан бирининг (шакл) ўзгармаслиги ва мазмун ва функция планларида кескин категориал ўзгаришлар юз бериши ҳамда концептуал мазмуннинг ҳам қисман маъно товланишиларига учраши кузатилади². Шу туфайли О.Кимнинг «транспозиция – тил белгисининг бир категориядан бошқа категорияга силжиши – универсал ҳодиса бўлиб, у тил амал қилишининг барча даражаларида юз беради»³, - деган таърифининг бу жараённинг моҳиятини тўлароқ ифода этишини эътироф этиш лозим. Сўз туркумлариаро кўчиш, маълумки, нутқий ҳодисадир ва унинг, Л.Теньер сўзлари билан айтганда, «чексиз», ҳад-ҳисобсиз вариантлари бор, кўчишнинг баъзи ҳосилаларигина тил материалига айланади⁴. Демак, транспозицияни текширганда, уни нутқий ҳодиса сифатида текшириш лозим, шу туфайли бу ҳодисанинг юз бериш механизмларини бадий асар каби сержило нутқ манбасидаги функционал-синтактик омиллардан қидирган маъқулдир.

